O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta •1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 14-sentyabr • № 38 (3671)

ҚИРҒОҚЛАРНИ БОҒЛАГАН КЎПРИК

Теран томирлар

Ўзбек билан қозоқнинг орасида тилмочлик қилишнинг ҳожати йўқ, бир-бирини яхши тушунади, англайди. Қавми-қариндошлик риштаси билан қалбан боғланган бу икки халқнинг маданияти, дину эътиқоди бир. Илдизи битта. Демак, маънавий дунёси чамбарчас. Маданияти уйғун. Улар бир-бирини кўрганда шу ички боғлиқлик туфайли самимий муносабатда бўладилар — бир илдиздан қувват олган дарахтнинг мустаҳкам бутоқлари сингари айрича ҳаёт кечиришни тасаввурига сиғдиролмайдилар. Қадимдан куда-қудағай, дўсту бовур, енгу елкадош икки халқнинг юраги, кўнгли, орзу-истакларининг муштараклиги бугунги цивилизациялашган асримизда ҳам, дунёда турли хил сиёсий қарашлар шакллана бошлаган бизнинг давримизда ҳам абадийлигини, яхлитлигини йўқотмайди, йўқотиши ҳам мумкин эмас. Бир-биридан қиз олиб қиз берган қавм-қардош бу икки халқ— эт билан тирноқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бир ярим миллион қозоқ, Қозоғистонда эса 500 мингдан зиёд ўзбек истиқомат қилади. Ўзбекистонда 580 дан ортиқ қозоқ тилида ўқитиладиган мактаб бор. Юртимизда «Нурли жол» сингари нуфузли нашр қозоқ тилида мунтазам равишда чоп этиб келинаяпти. ЎзТВнинг «Дўстлик» халқаро каналида қозоқ тилидаги кўрсатувлар доимий равишда эфирга узатилмоқда.Шунингдек, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ, Мирзачўл туманларида ҳам қозоқ, ҳам ўзбек тилидаги маҳаллий газеталар чиқиб турибди. «Томди чорвадори», «Конимех тонги» сингари газеталар эса қозоқ тилида муштарийлар қўлига етиб бормоқда. Қозоғистонда «Сайрам садоси», «Жанубий Қозоғистон», «Дўстлик байроғи» каби обрўли нашрлар ўзбек тилида босилмоқда.

Юртбошимизнинг Қозоғистонга расмий ташрифини телевидение орқали қониқиш билан кузатдим. Матбуот саҳифаларидан тўлиқиб ўқиб чиқдим. Давлатлар ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорлик долзарб масала, албатта, Бугуннинг нуқтаи назаридан қараганда ўта муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамиятга молик. Мамлакатлар раҳбарлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий жабҳаларда бирдамликни дадил давом эттириш ва уни юқори поғонага кўтариш сингари жиддий масалаларда фикр алмашдилар. Айниқса, ўзаро МАДАНИЯТ КУНЛАРИни ўтказиш масаласи ўртага ташланганда, оддий бир ижодкор сифатида кўнглим тоғдай кўтарилди. Бу масаланинг замирида гап кўп; бу, халқларимизнинг азалий ҳақиқатларга яна бир бор юз буриши, ҳамкорлигимизни янада равнақ топишида асқотадиган муҳим омилдир. Эсингизда бўлса, бундан 8 йил олдин, яъни 1994 йилнинг май ойида Ўзбекистонда қозоқ маданияти, орадан бир йил ўтиб — 1995 йилнинг майида Қозоғистонда ўзбек маданияти кунлари бўлиб ўтганди. МАДАНИЯТ КУНЛАРИ деганда икки улуғ халқнинг руҳияти, қалби, тафаккури, истиқболли келажагининг ҳамнафаслигини англаймиз.Халқларимиз ўртасидаги азалий қардошлик янада равнақ топиб, тантана қилишида маданият кунларининг ўтказиб турилиши айни муддаодир. Маданият — адабиёт, санъат, халқнинг мафкураси тарбияси демак, аслида. Икки халқнинг улуғ адиблари, санъаткору рассомлари бирбири билан борди-келди қилсалар, эзгу маслаклар тарғиботи изчил давом этса, табиийки, ҳар икки давлат фуқаролари тотувлиги янада юксалиб бораверади, халқларимиз кўнглидаги қадимий эзгу ҳислар янаям илдиз отади. Адабий бирдамлик жонланиб, таржималар жонланади. Навоий билан Абай, Мухтор Авезов билан Абдулла Кодирий, Абдулло Орипов билан Эркин Воҳидов, бир ёнда Ўлжас Сулаймонов ҳамда Мухтор Шохоновларнинг асарлари яна халқларимизнинг она тилида жаранглайди.

Президентимизнинг Қозоғистонга расмий ташрифидан сўнг қозоқ халқининг атоқли шоирлари Ўлжас Сулаймонов ҳамда Мухтор Шохоновлар билан телефон орқали гаплашдик. Улар мазкур учрашувда ҳаётий, давлатларимиз тараққиётида улкан аҳамиятга молик масалалар муҳокама этилганини, икки халқ ўртасидаги қонқардошлик аввалгидан-да аъло даражада давом этиши хусусида фикр билдиришди.

Албатта, шундай. Учрашув жараёнида кечган кенгайтирилган музокараларнинг ҳар бир йўналиши — иқтисодий ҳамкорлик, Қўнғирот-Бейнов-Оқтов автомобил йўлининг қурилиши, давлат чегараларини делимитация қилиш масаласи, Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши тўғрисидаги қўшма декларациянинг қабул қилиниши — бари-бари ҳаётийлик қадар зарурат. Мана шу ҳаётийлик эса маданий алоқалар силсиласида абадийлик қадар давом этиши, шубҳасиз.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

МУСИҚА ҚАЛБЛАРНИ ТУТАШТИРАДИ

Анъанага айланиб қолган халқаро симфоник мусиқа фестивалининг очилишига саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаевга учрашиб, фестивалнинг мақсад ва вазифалари, тадбирлар режаси ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Дастлабки фестивал 1998 йили бўлганди. Икки йилдан сўнг симфоник мусиқа ижодкорлари яна Тошкентда дийдор кўришдилар. Иккинчи фестивал ҳозирги замон ўзбек композиторлик ижодиётининг юксак савиясини ва унинг ҳақиқий миллий руҳ билан йўғрилганлигини намойиш этди.

Бу йил эса Тошкент симфоник мусиқа ижодкорлари ва ихлосмандларини учинчи марта кутиб олмоқда. Халқаро миқёсда бундай анжуман ўтказишдан асосий мақсад ўзбек композиторлик ижодиётининг савиясини яна бир бор кўрикдан ўтказиб, унинг жаҳон санъатидаги ўрнини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, жаҳон мусиқасининг йирик намояндалари ижоди билан яқинроқ танишиш, уларни миллий мусиқамиз ютуқларидан кенгроқ хабардор этиш ва ўзаро ижодий тажриба алмашишдир.

Бизни қувонтирган нарса шуки, анжумандан анжуманга иштирокчилар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳар сафар турли мамлакатлардан иштирок этиш истаги билдирилган мактублар оляпмиз. Шунинг ўзи ҳам фестивал обрў-эътибори ортиб бораётганидан, жаҳонда ўзбек симфоник мусиқасига қизиқиш кучаяётганидан далолат беради.

18-23 сентябр кунлари ўтадиган бу галги фестивалнинг файзи ўзгача бўлади. Чунки бу сафар анжуман пойтахтимизнинг кўркига кўрк бағишлаб турган санъат кошонаси — Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биносида очилади. Мусиқа шинавандалари машҳур ижрочилар ва оркестрлар маҳоратидан баҳраманд бўладилар. Қатнашчилар атоқли композитор Мухтор Ашрафийнинг 90 йиллигига бағишланган тадбирда иштирок этадилар. Шунингдек, Самарқандда бўлиб, қадимий обидалар билан танишадилар, Ҳамид Олимжон номидаги театр биносида камер мусиқаси концерти намойиш этилади. Жиззах шаҳар мусиқа коллежида бўладиган концерт ҳам кўпчиликни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Ёш композиторлар эса Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежида ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Консерваторияда ўтадиган ижодий учрашув ва "Мастер класс" дарслари ҳам юқори савияда ўтиши кутилмоқда.

Фестивалнинг асосий воқеаси Алишер Навоий номидаги театрда ўтадиган "Шарқ ва Ғарб: симфонизм асрлар чегарасида" мавзуидаги давра суҳбати бўлади. Суҳбатда юртимизнинг таниқли мусиқашуносларини билан бирга чет эллик мутахассислар ҳам қатнашадилар. Улар орасида қозоғистонлик Тамара Жумалиева, тожикистонлик Аслиддин Низомов, кореялик Хан Мунхи, татаристонлик Мавлуда Ёқубхўжаева каби мусиқашуносларнинг бўлиши кўзда тутиляпти. Шунингдек, Микеле Пеццуто /Италия/, Невит Кодалли /Туркия/, Совхозбек Айткеев/Қирғизистон/, Жерри Сиг /АҚШ/, Моорум Хури /Ливан/, Татяна Примак /Украина/, Шигеру Канно /Германия/, Ким Сунг-ки /Корея/ каби кўплаб композиторлар, ижрочилар, дирижёрларнинг ҳам фестивалда қатнашишлари кутиляпти.

Албатта, юртимизнинг таниқли ижодкорлари ҳам анжуманда фаол иштирок этишади. Улар орасида Икром Акбаров, Мустафо Бафоев, Дилором Омонуллаева, Ҳабибулла Раҳимов, Феликс Янов-Яновский, Дилором Сайдаминова, Ойдин Абдуллаева каби композиторлар бор.

Хуллас, учинчи халқаро симфоник мусиқа фестивали ўзбек мусиқа санъатининг мавқеини белгилаш, жаҳон санъати ютуқларини жамлаш имконини бериб, навбатдаги анжуман учун ўзига хос асос бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Гулчеҳра УМАРОВА
ёзиб олди

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш, хонандаларнинг ижодий ютуқларини тарғиб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган "Олтин ҳумо" мукофотининг тақдимоти 15 сентябр куни "Туркистон" саройида бўлади.

"Ўзбекнаво" бирлашмаси бош директори ўринбосари Бахтиёр Ёқубов раислигидаги қайъат номзодларни саралаш ишларини ниҳоясига етказди.

Ҳар бир номинация бўйича бештадан номзод саралаб олинди. 15 сентябр куни ғолиблар номи маълум бўлади.

* * *

Киночилар уйида Абдухолиқ Абдуразоқовнинг асари асосида режиссёр Юсуф Розиқов суратга олган "Ўрток Бойкенжаев" бадиий филми тақдимоти бўлди.

Филмда собиқ тоталитар тузум давридаги маъмурий буйруқбозлик, маҳаллий шароит, эл-юрт урф-одатлари ҳисобга олинмасдан қилинган ишлар ва уларнинг фожеий оқибатлари акс этган. Партия ишларининг байроқдори, юқоридан бериладиган ҳар қандай буйруқларни сўзсиз бажаришга одатланган "фидойи кадр"—ўрток Бойкенжаев янги қурилиши бошланган "IV Интернационал" қабристонига директор этиб тайинланади. Оми, содда, катталар буйруғидан бошқа нарсани билмайдиган Бойкенжаевнинг қай аҳволга тушиб қолиши, унинг хатти-ҳаракатлари кишида аччиқ кулги уйғотади.

Филм томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Б.МАМАДИЕВ

ОЛТИН КУЗНИНГ ИЛҲОМБАХШ ОНЛАРИ

11—12 сентябр кунлари Фарғона вилоятида шеърият байрами бўлиб ўтди.

Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар.
Қуёшнинг эринчоқ ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар.
Ҳар ёнда тўкинлик...
Кўздан нишона...
Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин...

Фарғона вилоятидаги Шеърият байрами юртимиз олтин кузининг, шеърдаги васфидай, фараҳбахш дамларида бошланди. Гўзал Фарғонанинг шаҳар ва қишлоқлари, қадим боғлари, кенг пахтазорлари шу "пари фаслнинг оғушида маст", "ҳар ёнда бир ташвишли илҳом ҳукмрон" бўлган кунларда мамлакатимизнинг таниқли ижодкорларини ўз бағрига чорлади.

Эрта тонгда юксак тоғлар бағридаги Қамчиқ довонидан ошиб ўтган ижодкорлар карвони Сирдарё кўприги ёнида бир оз тин олди. Шуаролар шаҳри бўлмиш Ҳўқанди латифнинг ижод аҳли, зиёлилар, меҳнаткашлар вакиллари, талаба қизлар-йигитлар Тошкентдан ва вилоятлардан борган шоир ва ёзувчиларни шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Уларга ранг-баранг гуллар, нон-туз, боғларимиз ноз-неъматини тутаётган гўзал қизлар юзидаги табассум, карнай-сурнай садолари, ҳаяжонли дийдорлашув лаҳзалари бошланаётган шеърият байрами шукуҳидан далолат бериб турарди.

Қўқон шаҳрига кираверишда эса ижодкорларга вилоят ва шаҳар раҳбарлари, жамоатчилиги вакиллари, минг-минглаб шеърият мухлислари, Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Исмоил Маҳмуд, Ҳабибулла Саидғани, Дилбар Ҳамзахўжаева ва бошқа фарғоналик таниқли ижодкорлар пешвоз чиқдилар. Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Тўра Сулаймон, Омон Матжон, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон, таниқли адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғафуров, Раҳмон Қўчқор, шоирлар Сирожиддин Саййид, Азим Суюн, Матназар Абдулҳаким, Тошпўлат Аҳмад, Рустам Мусурмон, Турсун Али, Иқбол Мирзо, Гулжамол Асқарова ва бошқа адиблар Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигида ушбу байрамга ташриф буюрдилар.

Ҳаяжонли дийдорлашув лаҳзалари таърифга сиғмайди. Қўқон улуғ шоирлар, алломалар Ватани. Ҳўқанди латиф дея эътироф этилган бу шаҳар ўзининг улуғ ижодкорлари билангина эмас, шеъриятни юксак қадрлайдиган нозик дилли адабиёт мухлислари, ўзига хос адабий муҳити билан ҳам машҳур. Шу маънода шаҳарда шеърият мухлислари, талабалар муаллимлар, боғбону пахтакорларнинг ижод аҳли билан бўладиган ҳар бир учрашуви ўзига хос байрамдир. Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 11 йиллигига бағишлаб уюштирилган шеърият байрами ҳам ана шундай ҳаяжонли лаҳзалар, самимий дийдорлашувлар билан бошланди.

Бир пиёла чой устидаги илиқ суҳбатдан сўнг меҳмону мезбонлар шаҳардаги Муқимий, Завқий, Нодира, Амир Умархон, Ҳусайн Шамс, Пўлатжон Қаюмов каби шоир ва адиблар, алломалар зиёратгоҳи — Шайхон ва Даҳман Шоҳон қабристонларига йўл олдилар. Бу жойларда қўқонлик улуғ ижодкорлар қабрлари зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди. Шундан сўнг анжуман иштирокчилари Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи жойлашган Худоёрхон ўрдаси — хон саройига ташриф буюриб, халқ амалий санъати усталари ва ҳунармандлар кўргазмасини томоша қилдилар. Ўрда ҳовлисида меҳмонлар шарафига берилган кичик дастурдаги концерт, айниқса, "Дутоҳи Ҳусайний"дан мутаассир бўлиб, ашулани зўр маҳорат билан ижро этган Аҳҳам Мамаюсупов раҳбарлигидаги "Қора кўзим" ансамблининг ёш мақомчиларига тасаннолар айтилди. Абдулла ака ёш санъаткорларни меҳмонлар номидан самимий қутлаб, уларга оқ йўл тилади.

Шундан сўнг шеърият анжумани иштирокчилари фарғоналик ижодкорлар ҳамроҳлигида ижодий гуруҳларга бўлиниб, туманлардаги пахтакорлар ҳузурига, Қўқон шаҳридаги ёғ-мой, дон комбинатлари, пайпоқ фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоалари, Педагогика институти, тиббиёт коллежи талабалари ҳузурига йўл олдилар. Дастлабки учрашув Учкўприк туманидаги Мирзааҳмад Деҳқонов номидаги ширкат хўжалигида бўлди. Давлатга пахта топшириш режасининг етмиш фоизини бажариб қўйган хўжалик пахтакорлари Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигида ташриф буюришган ижодкорларни катта олқишлар билан кутиб олдилар. Фарғона вилояти Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Тоир Абдураимов меҳмонларни таништириб, А. Ориповга сўз берди. Абдулла ака учкўприклик пахтакорларга мамлакат ижодкорларининг қизғин саломларини етказар экан, ўзининг қалб ҳаяжонларини ифодалаб шундай деди:

— Биз ҳозиргина Қўқоннинг кўп жойларини зиёрат қилдик. Худоёрхон ўрдасида ёш ўғил-қиз невараларимиз кўрпача ёзиб ўтириб, мумтоз ашулаларимизни шундай хониш қилдиларки, сел бўлмаган одам қолмади. Ўзим ҳам она Ўзбекистонимизни биринчи бор кўраётгандай ҳолга тушдим. Набираларимиз улғайганда парвозлари янада баланд бўлади. Улар эртага Ўзбекистоннинг буюк истеъдод эгалари бўлиб воягa етадилар, уларнинг санъатидан бутун мамлакат аҳли баҳраманд бўлади. Демак, ҳали юртимизнинг, халқимиз турмушининг биз кўрадиган, танишадиган жиҳатлари жуда кўп экан. Ҳозир биз мамлакатимизда биринчилар қаторида пахта режасини бажараётган ҳақиқий ватанпарвар миришкорларни табриклаб турибмиз. Бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. У қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатлар эвазига келаётганини ҳаммамиз билиб, кўриб турибмиз. Бир вақтлар шундай даврлар ҳам бошимиздан ўтдики, пахтакор эмас — пахта, тракторчи эмас — трактор улуғланди, куйланди. Пахтанинг ўзи эса, уни етиштирган деҳқоннинг косасини оқартирмасдан, узоқ-узоқларга жўнатиларди. Истиқлол тенгсиз меҳнат самарасини қайтариб берди. Президентимизнинг толмас жасоратлари туфайли шундай бўлди. Бугун биз меҳнаткаш инсон ўз қадрқимматини топган, чин ҳақ-ҳуқуқига эришган озод Ватанда юзма-юз кўришиб, суҳбатлашиб турган экамиз, сизларнинг меҳнат ютуқларингиз ғуруримизга ғурур, илҳомимизга илҳом қўшади. Адибларимиз, шоирларимиз халқимизнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиши, ҳаёт қатламларига чуқур кириб бориши, гўзаллик ва нафосатни, муҳаббатни ҳарорат билан қуйлаши, одамларнинг руҳиятини кўтаришлари зарур. Айни чоғда замонамиз қаҳрамонларининг сиймоларини яратишга ҳам масъулмиз. Замон қаҳрамонлари образларини яратишни шу даврнинг ўзи кун тартибига қўяётир. Шу маънода сизлар билан бугунги дийдорлашув лаҳзалари ижодкорларимиз учун ҳам чинакам байрамдир.

Шундан сўнг Абдулла ака ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди, пахтакорларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қилди. Шеърият мухлислари шоирлар Усмон Азим, Матназар Абдулҳаким, Маҳмуд Тоиров, Исмоил Маҳмуд, Гулжамол Асқарова, Нодира Сиддиқованинг янги шеърларини, адабиётшунос олим Раҳмон Қўчқорнинг ҳаяжонли дил сўзлари, қутловларини ҳам мароқ билан тингладилар. Ўз навбатида пахтакорлар ҳам ўзлари меҳнат қилаётган дала қучоғига ташриф буюрганлари учун ижодкорларга миннатдорчилик билдирдилар, шоирлардан дастхатлар ёздириб олдилар.

Шеърият байрами қатнашчилари Данғара тумани пахтакорлари ҳузурига ҳам ташриф буюрдилар. Ижодкорлар белларига этак боғлашиб, бир фурсат деҳқонлар билан ёнма-ён пахта тердилар. Сўнгра дала шийпонида катта учрашув ташкил этилди. Шеърхонлик куй ва қўшиққа уланди. Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоиров, Энахон Сиддиқовалар иштирокидаги ҳаяжонли дийдорлашув лаҳзалари, шеърхонлик ва ўзаро самимий мулоқотлар пахтакорлар хотирасида бир умр муҳрланиб қолса ажаб эмас. Бир ҳожи отахон Абдулла Ориповни бағрига маҳкам босаркан: "Шоирларнинг шоири, қаҳрамон шоиримиз Абдуллажонни телевидение орқали кўриб юрардим. Лекин бир кун келиб уни бағримга босиб, қутлайман, деб асло ўйламагандим. Шундай кунга етказганига шукур", дея шодлигини изҳор этди.

Шу куни кечқурун "Шеърият байрами"нинг тантанали қисми Қўқон шаҳри марказидаги "Шоирлар хиёбони"га меҳмонлар ва ижодкорларнинг кўчат ўтказиши билан бошланди. Қўқонда яшаб ўтган шоир ва адибларнинг сиймолари акс этган Шоирлар пантиони бу катта анжуманлар учун махсус тайёрлангани боис минг-минглаб мухлислар очиқ осмон остидаги анжуманнинг иштирокчиси бўлдилар. Байрам қатнашчиларини Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳаётхон Каримов ҳамда Қўқон шаҳар ҳокими Абдулҳаким Ҳўжаев самимий қутлаб, мустақиллик йилларида вилоят ҳамда шаҳар ободончилигида, унинг маданий ҳаётида, адабий муҳитида юз берётган ўзгаришлар ҳақида сўзладилар.

— Президентимиз уқтирганлари сингари, ўтмишсиз келажак йўқ, — дея бошлади ўз сўзини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. — Биз меросимиздан, ўтмиш маънавиятимиздан қувват олиб яшаймиз. Шу маънода Қўқон — устоз шаҳар, устозларимиз шаҳридир. Бугун биз Қўқон адабий муҳити ҳақида ифтихор ва умид билан гапирамиз. Ёзган шеърини Тошкентга олиб борадиган фарғоналикларга биз: "Яхшизор боғлар бунёд этиб, деҳқончилик маданиятини юксалтираётгани ҳақида сўзлади. Абдулла Орипов туман меҳнат аҳли ҳузуридаги бундай ҳаяжонли учрашувлар, ўтаётган адабиёт байрами таассуротлари ҳақида сўзлар экан, "Ўзбекистон ҳаммамизнинг бешигимиз, тожу тахтимиз, ўзлигимиздир, — деди. — Ватанни, унинг кентларини кўрмасдан, нуқул китоб ўқиб яхши асар ёзиб бўлмайди. Катта ҳаёт мана шу жойда. Чўлпон ҳазратлари етмиш йил бурун "Халққа чиқайлик. Бутун кучни халқ ичидан олайлик", деб бежиз айтмаган. Бугун Ўзбекистонда аҳвол қандай дейдиганлар, марҳамат қилиб, Фарғонага, Олтиариққа келсинлар, кўрсинлар. Одамлар юрт ободлиги, эл фаровонлигининг тимсоли бўлиб, мустақил ҳаёт тарзимизнинг, маънавият ва маърифат равнақининг намунаси бўлиб кўчаларни, муҳташам залларни тўлдириб турибдилар. Бизнинг ижодимиз, илҳомимиз манбаи ҳам улардир".

Қўқон шаҳрида бўлгани сингари Олтиариқдаги адабиёт байрами ҳам шеърхонлиги куй-қўшиқлар жўрлигида ўтди. Шоирлар ўзларининг дил ҳаяжонларини ўқиган ашъорларида, хонандалар ёниб қуйлашган дилрабо қўшиқларида ифода этдилар. Шоира Энахон Сиддиқова ва Фарғона вилоят театри директори Сайдали Одилов бошқарган шеърият анжуманида Тошкентдан борган таниқли шоирлар сафида олтиариқлик истеъдодли шоира Мақсуда Эргашева, иқтидорли болалар лицейининг 7-синф ўқувчиси Азизбек Холбоев ўз шеърларидан ўқишди.

Олтиариқдаги ҳаяжонли учрашув ва суҳбатлар Фарғона шаҳридаги учрашувларга боғланиб кетди. Шаҳар дарвозасида нон-тузу ноз-неъматлар, гуллар билан кутиб олинган адабиёт байрами қатнашчилари шаҳардаги Аҳмад ал-Фарғоний боғига ташриф буюришиб, аллома ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Шундан сўнг шаҳардаги ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳайкали ҳам зиёрат қилинди. Фарғона давлат университети талабалари ҳайкал пойида ажойиб саҳна ташкил этишиб, кичик шеърият анжуманини уюштирдилар. Мумтоз шоирларнинг ғазаллари, замондош шоирларнинг бетакрор мисралари янгради. Мумтоз наволар улуғ шоир ҳайкали пойидаги анжуманга гўзал руҳ бахш этди.

Фарғона давлат университетидаги учрашувлар ҳам бетакрор лаҳзаларга бой бўлди. Илм масканидаги шеърият кечасини университет ректори Аҳмаджон Ўринов очиб, меҳмонларга университет ҳаётидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. Талабалар адабиёт байрами қатнашчиларини самимий қутладилар ва улар ўқиган шеърларни катта олқишлар билан кутиб олдилар. Шу жойнинг ўзида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг йиғини бўлиб ўтди. Абдулла Орипов Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари фаоллигини янада ошириш, Фарғона вилоятидаги сингари адабиёт байрамларини ташкил этиш ва бундай тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўзлади. Вилоятда яшаб ижод қилаётган шоирлар ва адибларни уюшма аъзолигига қабул қилиш юзасидан Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг таклифлари кўриб чиқилди. Адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғафуров, Раҳмон Қўчқор, шоирлар Усмон Азим, Азим Суюн, Ҳалима Худойбердиева ва бошқа адиблар сўзга чиқишиб, уюшма аъзолигига номзоди кўрсатилганларнинг фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Фаоллар йиғинида қўқонлик истеъдодли шоира Дилбар Ҳамзахўжаева, олтиариқлик шоир Баҳодир Исо ҳамда фарғоналик таниқли адабиётшунос олим Йўлдош Солиҳонов уюшма аъзолигига қабул қилиндилар.

Маънавиятга ташна халқимиз учун, аслида, ҳар бир кун — адабиёт кунидир. Сафардош ёзувчилар Фарғона тимсолида бир синоатга ишонч ҳосил қилдилар: буюк ўқувчи, буюк китобхон, ҳассос шеърхону ҳассос мухлис бор жойдагина буюк адабиёт бунёд бўлади.

Яхши дўстлар даврасида
очилурсан ҳар замон,
Кўркни шода ичра топгай
марварид, дурдона ҳам —

деб ёзганди Фарғонанинг Олтиариқ туманида туғилган севимли шоримиз Эркин Воҳидов. Фарғона адабий муҳити умумўзбек адабиёти шодасида тобора равшанроқ жилоланиб, сайқал топиб бораётгани адибларимиз бу тупроқни зиёрат қилган кунларда яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланиб турди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ҚОМУСИ

3-ЖИЛД

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг учинчи жилди нашрдан чиқди.

У "Гидрофилия" мақоласи билан бошланиб, "Зебралар" мақоласи билан тугайди. Бу жилддан жами 4100 мақола ўрин олган. Жумладан, тарихга оид 480 та, маданият ва санъатга оид 422 та, тил ва адабиётга оид 270 та, фалсафа, сиёсатшунослик, дин тарихига оид 200 дан зиёд мақола босилган.

Бундан ташқари, китобдан иқтисодиётга, география, геология ва геофизикага доир 600 га яқин мақола чоп этилган. Шунингдек, биология, тиббиёт, кимё, математика, физика, техника, астрономия, қишлоқ хўжалигига доир ранг-баранг мақолалар ҳам берилган.

Ушбу жилддан буюк мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистонда истиқлолчилик ҳаракатининг йирик намояндалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари, Ўзбекистон халқ артистлари, фан арбоблари, санъат арбоблари ҳақидаги 687 та мақола ўрин олган.

Учинчи жилдда олдинги жилдларга нисбатан кўпроқ безакли материал (1400 рангли, 200 дан зиёд оқ-қора сурат) берилди. Уларнинг кўпи оригиналдир. Расмларнинг мазмунига ва сифатига эътибор кучайтирилди.

Миллий энциклопедиянинг учинчи жилди Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент ижарадаги матбаа комбинатида босилди. Ушбу жилдни кўлга олар экансиз, миллий энциклопедиямиз нафақат мазмун-мундарижа жиҳатидан, балки матбаа ижроси жиҳатидан ҳам такомилига эришаётганини кўрасиз.

Қуйида Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг учинчи жилдидан ўрин олган мақолалардан намуналарни эътиборингизга ҳавола этилаётир.

«ЗАФАРНОМА»

"ЗАФАРНОМА" – Амир Темур давлати тарихига бағишлаб ёзилган асар. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётлигида бевосита унинг топшириғи асосида Низомиддин Шомий томонидан ёзишга киришилган (1401–1402). 1404 йил баҳоригача асар ёзиб тамомланган ва Озарбайжонда етти йиллик юришдан Самарқандга қайтаётган Амир Темурга тақдим этилган. Бундан кейинги соҳибқирон вафотигача кечган воқеалар кейинроқ Ҳофизи Абру томонидан ёзиб илова қилинган.

"Зафарнома"ни ёзишда Амир Темурнинг мунший ва котиблари ҳам назм, ҳам насрда форсий ва туркий тилларда ёзган маълумотлар, муаллифнинг 1400–1404 йиллар давомида соҳибқирон юришларида бўлиб, ўзи кўрган-билганлари, Ҳиндистон юриши воқеалари қисмининг баёни учун Ғиёсиддин Алининг "Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон" ("Ҳиндистонга юриш кундалиги") асари асосий манба бўлиб хизмат қилган. "Зафарнома" тарихий асар сифатида XIV-XV аср бошида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё, Олтин Ўрда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 йилга қадар Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган чингизий ҳукмдорлар ҳақида қисқа маълумот берилган. Сўнгра Амир Темурнинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида қилган юришларининг батафсил баёни келтирилган. "Зафарнома" ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг ишончлилиги билан XV-XVI асрларданоқ бир қанча асарлар учун бош манба бўлди. "Зафарнома"нинг фақат икки қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчиси, Амир Темурга тақдим этилган қўлёзманинг 1425 йилда кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истанбулдаги "Нури Усмония" масжиди кутубхонасида сақланади (№ 3367). Иккинчиси, муаллиф томонидан Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар Баҳодир ибн Мироншоҳга тақдим этилган қўлёзмадан 1434 йил кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги "Британия музейи" кутубхонасида сақланади (№ 23980).

Матншунос чех олими Феликс Тауэр "Зафарнома" нусхаларини Амир Темур тарихидан ҳикоя қилувчи бошқа бир муҳим манба – Ҳофизи Абрунинг "Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий" ("Бойсунғурга аталган тарихлар сараси") номли асари билан солиштириб тадқиқ этиш асосида унинг илмий-танқидий матнини икки жилдда нашр этди (Прага, 1937 ва 1956 йиллар). Унга Ҳофизи Абру ёзган "Илова" ҳам кирган. Ушбу нашр асосида "Зафарнома" қисқартирилган шаклда турк тилига (Анқара, 1940); сўз боши, кўрсаткичлар ва илмий изоҳлар билан ўзбек тилига (Тошкент, 1996, тузувчи – О. Бўриев), ўгирилиб нашр этилди.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ

ДАЛВАРЗИНТЕПА ХАЗИНАСИ

ДАЛВАРЗИНТЕПА ХАЗИНАСИ – Далварзинтепа шаҳристони (Сурхондарё) дан топилган хазина. Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси томонидан топилган (1972). Далварзинтепа хазинаси – икки

балдоқли сопол кўзача (ярим метр чуқурликда, оғирлиги 36 кг) даги ҳар хил олтин буюмлардан иборат. Олтин буюмлар сони 115 та, улар ёмбилар, билакузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқ ва майда бўлакчалардан иборат. Хазина подшо амалдорлари, бойларга ҳар хил тақинчоқлар тайёрлаб берадиган заргарга тегишли бўлса керак. Чунки баъзи тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билакузук 872 г соф олтиндан иборат. Айниқса, нозик дид билан ишланган турли шаклдаги билакузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шода диққатга сазовордир. Олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар қадалган. Хазинадаги тўғрибурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг жами 21 та, аммо 10 тасида қадимий кхарошти ёзуви битилган. Далварзинтепа хазинаси палеографик жиҳатдан милодий 1-асрга тўғри келади. Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони унинг антик дунё давр санъати қаторида тутган ўрнидир. Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шимолий Бақтрия, яъни ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазинаси топилмаси аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЎЗБЕКЛАРИ

ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЎЗБЕКЛАРИ – қадимдан Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида кўчиб юрган туркий-мўғул қабилалари. Арлот, баҳрин, бурқут, дўрмон, ийжон, хитой, қарлуқ, можор, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, курловут, манғит, найман, нукуз, тангут, уйғур, маркит, қўшчи, ўтарчи, жот, чимбой, кенагас, уйшин, тубойи, тоймас, эчки, туман-минг, шодбахтли, шунқорли ва бошқа қабилалар XIII аср охири ва XIV-XVI асрларда ўтган Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан "ўзбек" деб аталган. Ҳамдуллоҳ Казвиний (1281–1350)нинг "Тарихи гузида" ("Танланган тарих") асарида Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга тобе ерлар ва халқлар ҳақида фикр юритилади ва бу қабилалар "ўзбекиён" ("ўзбекийлар"), улар кўчиб юрган ерлар, яъни Шарқий Дашти Қипчоқ эса "мамлакати ўзбек" ("ўзбек мамлакати") деб кўрсатилади. "Ўзбек" атамасини қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхон даврига қадар ҳам қўлланилган. Масалан, Мирзо Улуғбек ўзининг "Тарихи арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи") номли тарихий асарида, Ўзбекхоннинг ҳокимият тепасига келиши зикрида, "ўзбек улуси унга берилди", деб ёзади. Рўзбехон "Меҳмон-номаи Бухоро" китобида Дашти қипчоқ ўзбеклари 3 тоифадан: шайбонийлар (Шайбон улусига кирган ўзбеклар), қозоқлар ва манғитлардан ташкил топганлигини кўрсатади. Шайбон улуси, манбаларнинг маълумотларига кўра, 1238 йилда ташкил топган ва Урал тоғининг этакларидан Тобол ва Сарисув дарёларигача бўлган ерларни ўз ичига олган (унинг жанубий чегараси Орол денгизининг шимолий соҳили, шимолий чегараси эса Чинги Тура (тура)да бўлган). Манғит улуси Эмба билан Ёйиқ дарёлари оралиғидаги ерларга жойлашган. Манғитлар XV асрнинг 30 йилларида Абулхайрхонга бўйсундилар. Қозоқлар атамаси этноним сифатида 1446 йилдан бошлаб пайдо бўлди. Оқ Ўрда хони Ўрусхон авлоди бўлган султонлар: Гирайхон (Кирайхон) ва Жонибек XV асрнинг 40-йилларида Абулхайрхонга бўйсунишдан бош тортиб, ўз тарафдор-тобелари билан Чу ва Етғисув воҳасига қочиб кетдилар ва орадан кўп ўтмай Қозоқ хонлигига асос солдилар (1465 йил).

Дашти қипчоқ ўзбеклари, асосан, чорвачилик билан шуғулланган, воҳаларда қисман деҳқончилик қилишган. Дашти қипчоқ ўзбеклари фақат Ўзбекхон замонида ислом динини қабул қилганлар, лекин уларнинг урф-одатларида маъжусийликнинг айрим аломатлари сақланиб қолган. Кейинги асрларда Дашти қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондаги бир неча халқнинг таркибига кирган (яна қ. Шайбонийлар, Ўзбеклар).

Бўрибой АҲМЕДОВ

ЗАРАУТСОЙ РАСМЛАРИ

ЗАРАУТСОЙ РАСМЛАРИ – Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги қоятош расмлари. Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбида, Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги ўнгир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари. Сурхондарё вилоятида, Термиздан 100–110 км шимолий-ғарбда. 1912 йилда Й. Фёдоров томонидан топилган. Археолог Г. Парфёнов (1940–45), кейинчалик А. Рогинская (рассом), А. Формозов, А. Кабировлар томонидан ўрганилган. 200 дан ортиқ расмлар, мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб. Расмлар чизма тарзида контур ва соя услубида қизил ангоб (охра) билан чизилган. Зараутсой расмларида одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчқа, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, ҳашарот ва бошқалар), турли буюмлар (ўқёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ва бошқалар ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган. Зараутсой расмлари ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида ёдгорликларни муҳофаза қилиш "Қизил китоб"ига киритилган.

«ЁШ ТУРКИСТОН»

"ЁШ ТУРКИСТОН" (Yas Turkistan) – хорижда нашр этилган ижтимоий-сиёсий журнал. Парижда туркий тилда, араб алифбосида чоп этилган (1929–39). 117 та сони (баъзилари қўшма сон) нашрдан чиққан. У муҳожиротдаги туркистонликлар маблағи билан нашр этилган. Журналга Мустафо Чўқай муҳаррирлик қилган. Тоҳир Чиғатой, Абдуваҳоб Ўқтой, А. Тошкентли, Усмон Хўжа ва Валидий фаол қатнашди. Журнални ташкил этишдан мақсад совет мустабид тузуми кирдикорларини фош этиш, мустамлакачилик сиёсати оқибатида Туркистонда юз бераётган фожиалар хусусида ошкора сўз юритиш, шу йўл билан жаҳон афкор оммасининг эътиборини ўлкага қаратишдан иборат бўлган. Журнал саҳифаларидан ўрин олган мақолаларда ўша кезлари ўлкада долзарб бўлган қатор ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар ҳақида сўз юритилган. Халқни юрт озодлиги учун курашга даъват этилган. Журналда адабий-бадиий асарларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Мағжон Жумабой, Элбек, Абдуваҳоб Ўқтой каби адиблар ва ҳаваскор шоирлар ижодидан намуналар берилган. Ҳозир "Ёш Туркистон"нинг тўлиқ тахлами Нью-Йоркдаги Колумбия университети, Берлин университети, Анқарадаги Аёз-Тоҳир Туркистон Идил-Ўрол вақфи кутубхонасида сақланади. Усмон Хўжанинг ўғли Темур Хўжа "Ёш Туркистон"нинг 1929–30 йилларга оид қисмини бир китоб шаклида қайта нашр қилдирди (Истанбул, 1997, 1-жилд).

Норали ОЧИЛОВ



Жалолиддин Манғуберди.
Рассом Т. Қурёзов

ЗАМЗАМ

ЗАМЗАМ, Оби замзам – Макка шаҳридаги ал-Масжид ал-Ҳаром саҳнидаги муқаддас булоқ. Каъба ёнида бўлиб, ҳозирги вақтда пастда – алоҳида ва махсус жойга ўтказилган сув жўмраклари орқали ичилади. Булоқ суви кенглиги бир қаричдан ортиқроқ пўлат қувур орқали чиқади, ойнабанд хонада хизматчилар уни масжиднинг биринчи, иккинчи ва учинчи қавати (томи)га тарқалишини назорат қилиб турадилар. Сув тарқатгич ускуналар кеча-кундуз бетўхтов ишлайди.

Замзам тарихи узоқ. Ривоятларга кўра, булоқнинг пайдо бўлиши Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоилнинг таваллуди билан боғланади: чўлда қолдириб кетилган биби Ҳожар чақалоғи (Исмоил) дунёга келгач, ювиниш ва чанқовини босиш мақсадида сув ахтариб шу яқиндаги Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта елиб-югуради. Сув тополмай обдон толиққан она чақалоғи ёнига қайтса, унинг оёқлари остидан сув чиқаётганлигини кўради. Нима қиларини билмай шошиб қолган биби Ҳожар "зам, зам!" (яъни "тўхта, тўхта!") дейди. Бошқа бир ривоятда онанинг мушкул аҳволидан бохабар бўлган Жаброил алайҳиссалом ердан сув чиқариб берган, дейилади. Лекин орадан кўп асрлар ўтиб булоқ кўзи ёпилиб қолади. Вақти келиб Муҳаммад алайҳиссаломнинг буваси Абдулмуталлиб булоқ кўзини қайта очади. Замзам Қуръони каримда тилга олинган. Замзам сувига юз-қўлларни ювиш, ундан ичиш ҳаж ва умра амалларини бажаришнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Зиёратчилар қайтишда ундан олиб кетиб кўпчиликка тарқатадилар. Ҳозир Маккада сувни турли ҳажмдаги идишларга қуядиган мослама ишга туширилган. Замзам суви ўзига хос хусусиятга эга. Таркиби киши организми учун фойдали маъданларга бойлиги, ошқозоничак, қон томири ва бошқа баъзи касалликларга даво эканлиги аниқланган.

Қудрат ҳожи АҲМЕРОВ

ЖАҲОНОРО БЕГИМ

ЖАҲОНОРО БЕГИМ (1614 – Деҳли – 1681) – бобурийлардан бўлган малика, шоира. Шоҳ Жаҳоннинг катта қизи. Онаси – Мумтоз Маҳалбегим. Онаси вафот этганда Жаҳоноро бегим 17 ёшда бўлиб, онасининг васиятига кўра, шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасига тушган. Ҳусн-латофатда, ақл-идрокда ва илму одобда беназир бўлган. Жаҳоноро бегим оилада ака-укалар ўртасидаги келишмовчиликлар, ҳатто отаси билан укаси Аврангзеб ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик билан бартараф қилган. Жаҳоноро бегим салтанат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёсат ҳамда дипломатия масалаларида отасига ўзининг оқилона маслаҳатлари билан ёрдамлашган. Меъморлик, ободонлаштириш ишларига раҳнамолик қилган. Аграда қурилган жоме масжидининг тарҳини Жаҳоноро бегим чизган. Шунингдек, Деҳли, Сурат, Амбола, Беҳал ва Панипат шаҳарларида карвонсаройлар қурдирган. Лоҳурда катта боғ, Кашмирда "Пари Маҳал" (Парилар саройи) бунёд эттирган. Шаҳдхонободда Алимардонхон ариғини қаздириб, нақшинкор ҳовуз қурдирган. Жаҳоноро бегим ғазаллар, илм-фан бобида эса "Рисолайи Соҳибия" ("Дўстлик ҳақида рисола") номли асар ёзган.

1658 йил Аврангзеб тахт учун курашда ғолиб чиқиб, хаста отасини ҳибсга олган. Ака-укаларнинг, отаболанинг ва дўстларнинг орасига тушган низо ҳамда уларнинг фожиали қисмати Жаҳоноро бегимни қаттиқ изтиробга солган. Дилхаста малика дунё ишларидан қўл ювиб, маҳбусликда кун кечираётган хаста отасига хизмат қилиш билан ўзига таскин берган. Деҳлидаги Зарзари Бахш қабристонига дафн этилган.

ДЕМОКРАТИЯ

ДЕМОКРАТИЯ (юн. demos – халқ ва ...кратия) – фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Демократия давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократиянинг асосий талаблари: кўпчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлиги, конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши. Демократиянинг бевосита демократия (асосий қарорлар йиғилишларда бевосита барча фуқаролар томонидан ёки референдумлар йўли билан қабул қилинади) ва вакиллик демократияси (қарорлар сайлаб қўйиладиган органлар томонидан қабул қилинади) шакллари бор. Кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, демократиянинг куртаклари бор эди ва у ҳозир энг тараққий этган мамлакатларда ҳам ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин, демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар албатта ҳисобга олинади. Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти ҳар нарсадан юқори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиялилик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. Бироқ демократия ҳамма нарсада ҳоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида катта қадам қўйди. Демократик тартиботларни ҳаётга олиб кирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўғинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топтирувчи қонунлар қабул қилиниб, амалда ишлай бошлади.

ДАНТЕ

Алигери (Dante Alighieri) (1265.5, Флоренция – 1321.14.9, Равенна) – италян шоири. Қадимий дворян наслидан. Дастлабки "Янги ҳаёт" (1292) асари севгилиси Биатричега бағишланган сонетлардан ва насрий лавҳалардан иборат. 90-йиллар охирида ҳукмрон гвелфлар партияси "оқлар" ва "қоралар"га ажралиб чиққач, Флоренцияда ҳокимият "қоралар" қўлига ўтади. Ўша пайтда Римда бўлган "оқлар" вакили Дантенинг мол-мулки мусодара этилиб, ўзи ўлимга ҳукм этилади. Шундан кейин, Данте Флоренциядан чиқиб кетади (1302) ва умрининг охиригача дарбадарликда яшайди, сиёсат билан шуғулланмайди. Данте фалсафий рухдаги "Базм" (1308), "Монархия ҳақида" (1313), "Ер ва сув ҳақида" (1320) рисолаларида гуманистик қарашларни илгари суради, даврнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий муаммоларига жавоб излайди. Жумладан, "Монархия ҳақида" асарида Данте бутун жаҳон монархиясини ер юзидаги одамларнинг фаровонлигини таъминлайдиган адолатли давлат шакли сифатида ҳимоя қилади.

"Комедия" Данте ижодининг чўққисидир (1307–21). Кейинроқ бу достон "Илоҳий комедия" деб ҳам юритилган. Данте вафотидан сўнг қўшилган "илоҳий" сўзи шоир ижоди мухлислари томонидан асарнинг бадиий жиҳатдан юксаклигини ифодалаш учун қўлланилган. Достон 3 қисм ("Дўзах", "Аъроф", "Жаннат") дан иборат. Ҳар бир қисмда 33 та қўшиқ бор. Достон Дантенинг шоир Вергилий етакчилигида у дунёга саёҳати тарзида ёзилган. Бу шакл Шарқ обидаси "Меърожнома" сюжетини эслатади. "Комедия" анъанавий диний сюжет асосида бўлса-да, ундаги гуманизм маҳзини реал дунёдаги инсонлар ҳаёти ташкил этади. Данте асарда инсоният тарихининг турли даврларида яшаган кишиларнинг мураккаб фалсафий қарашларига муносабатини билдиради. "Комедия"нинг "Дўзах" қисмидаги 4-қўшиқда жаҳоннинг буюк донишмандлари Демокрит, Фалес, Гераклит, Эвклид, Птолемей, Гиппократлар қаторида Шарқнинг улуғ мутафаккирлари Ибн Сино ва Ибн Рушдлар тилга олинади. Қўшиқда қадимий Турон подшосининг қизи, афсонавий балиқ танли саркарда аёл Семирамида, Миср маликаси Клеопатра фаолиятига муносабат билдирилади. "Аъроф"да массагетлар маликаси Тўмарис қаҳрамонлиги тасвирланган. "Илоҳий комедия" бадиий юксак бўлиши билан бирга, кишилик жамияти тараққиётида йиғилган билимларнинг бой хазинасидир. Данте Шарқ ва Ғарб тафаккури меваларини омухта этган.

Данте италян адабий тилининг яратувчиси ҳисобланади. Унинг достони услубида оддий халқ тили олий табақа кишилари тилига хос тантановорлик, ранг-баранглик ва драматизм билан уйғунлашиб кетган. Данте ўз даврдаги ижодкорлардан фарқли ўлароқ бутун италян миллати номидан гапириб, унинг асрий орзу-армонларини ифодалаган. Шунинг учун ҳам уни ўрта асрнинг сўнгги шоири ва айни пайтда, янги даврнинг биринчи шоири, дейишади. Данте ижоди италян адабиёти ва бутун Европа маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шоир ижоди адабиётшунос олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Данте асарлари жаҳон халқларининг кўпгина тилларига таржима қилинган. "Илоҳий комедия" достонининг "Дўзах" қисми ўзбек тилида Абдулла Орипов таржимасида нашр этилган (1978).

Нажмиддин КОМИЛОВ

ЖАЛОЙИРИЙЛАР ДАВЛАТИ

ЖАЛОЙИРИЙЛАР ДАВЛАТИ (1336-1411) – Ҳулокуйилар давлати емирилгач, Ироқ ҳудудида тузилган давлат. Унга жалойирийлардан Шайх Ҳасан Бузург (1356 й. вафот этган) асос солган. Тахт учун курашда у чўпонийларни енгиб, ҳокимиятни эгаллаган ва Бағдодни пойтахт қилган. Жалойирийлар давлатида ҳукмронлик қилган сулола жалойирийлар деб номланган. Жалойирийлардан Увайс I даврида (1356-74) бу давлат жуда юксалган. У Муззаффарийлар, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш ва қора қуйинлилар билан уруш олиб борган. Курдистон, Озарбойжон, Табриз (1358), Мавсил, Диёрбакир (1365) Жалойирийлар давлатига қўшиб олинган. Пойтахт Табризга кўчирилган. Увайс Інинг ўғли Султон Аҳмад даврида (1382-1410) Амир Темур Шимолий Эрон, Арманистон (1384-87), Бағдод, Месопотамия, Диёрбакир (1393)ни эгаллаган.

Амир Темур вафоти (1405)дан сўнг Султон Аҳмад Бағдодни қўлга киритган. Жалойирийлардан Шоҳ Валад қора қуйинлилар Бағдодни эгаллагунларига қадар (1411) ҳокимият тепасида турган, Султон Аҳмаднинг кейинги авлодлари Шоҳрухга тобе бўлган ҳолда Восит, Шустар ва Басра мулкларига эгалик қилган. 1432 йил жалойирийлардан бўлган сўнгги ҳукмдор Ҳасан II қора қуйинлилар томонидан ўлдирилган.

Саҳифани Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ тайёрлади.

СЕН — ОЗОДСАН, КЎНГЛИНГ БЎЛСИН ТЎҚ

Мирпўлат МИРЗО

КЕНГЛИКЛАР

Бунда осмонларнинг чеғараси йўқ,
Бунда уфқларнинг сарҳади йўқдир.
Бунда сен озодсан, кўнглинг бўлсин тўқ,
Руҳингга ҳеч кимнинг ҳасади йўқдир.

Бунда оқ булутлар кезар хотиржам,
Гиёҳлар ҳар тонгни қаршилар шодон.
Эртанги кунни деб ортиқ чекмас ғам
Кенгликлар бағрида туғилган ҳар жон.

Бийрон фикрлардек учқур оҳулар
Югурар даштлардан даштларга кўчиб.
Туғилса мабода бунда орзулар,
Ўзини кишанбанд қилмайди чўчиб.

Тиконли симмас бу — какликнинг изи,
Қўриқчи эмас у — сўфитўрғайдир.
Агар сайрларга чиқса хонқизи,
Фақат капалаклар уни қўрғайдир.

Мен ҳур шамолларга юз бурдим бирпас,
Кўксим ҳаволарга тўлиб кетди, ҳей!
Сиз ҳам кенгликларга чиқинг энди, бас,
Эркин нафасларнинг вақти етди, ҳей!

Эркка кўникмоқлик осонмас, бироқ
Ундан асрадик-ку ҳатто сўзни биз!
Кенгликлар, сабоқ бер — яшайлик қандоқ,
Нуқул чеклаб келган бўлсак ўзни биз!

САҲРО

Қаршимда ястанар саҳро — поёнсиз,
Қучоғин очади чексиз уфқ, осмон.
Кўксимга қайноқ тафт урилгани кез,
Халқим, сенинг меҳринг туйдим мен шу он.

Ўркач-ўркач бархан, оташ қумларга
Сирларин айтади шамоллар бунда.
Дуркун фаслларга, эзгу кунларга
Ташна халқ қалбини кўрдим мен қумда.

Гарчи қадам етмас, узлат маскансан,
Сенинг дардинг менинг дардимдир танҳо.
Бунча шип-шийдансан, бунча улкансан,
Халқимнинг ўзидай ҳокисор саҳро!

* * *

Ортда қолиб кетди кентлар, қалъалар,
Шамоллар поезднинг тарар ёлини.
Мени алқаб қолди масъум далалар,
Менга дуркун боғлар тутди болини.

Мезонлар эшарди даштдаги офтоб,
Дарёлар ялтирар, ҳеч ғами йўқдек.
Мен эса темир йўл измида шитоб
Учиб борар эдим уфқларга ўқдек.

Ястанди қаршимда дафъатан саҳро,
Мозийнинг сирдони, яйдоқ Қизилқум.
Унда қувонч ичра, ё ғамда танҳо —
Тонгга боққан ёвшан йиғларди юм-юм.

— Эй, саҳро, сен нима берардинг менга, —
Дедим мен, — яланғоч бўлсанг ўзинг гар?..
Айтди у: — Ўкинма, ташна қалбингга
Мен туҳфа этаман шоён хаёллар!

* * *

Чарх урар тинмай фалак — тинмай учиб ҳар он ўтар,
Демагил ҳар он ўтар, бу чарх аро инсон ўтар.

Давру даврон сурса кимки, англағай охир шуни,
Бевафо бу дайри дунда давр ўтар, даврон ўтар.

Шоҳу султон шаҳдига сен, эй кўнгил, қилма ҳавас,
Ҳукми олий беомондир — шоҳ ўтар, султон ўтар.

Ошиқ умри сарфароз дам васлу дам ҳижрон аро,
Бир ажиб водий эрурким — васл ўтар, ҳижрон ўтар.

Лолу ҳайрон боқмагил ҳеч бу замон қошида сен,
Аҳлу донишки, замондин лол ўтар, ҳайрон ўтар.

Ҳасратингнинг дафтарини очмагил, эй, хун юрак,
Кимки оғоҳ эрса — бағри хун ўтар, вайрон ўтар.

Ғамни қўй, Мирзо, дилингга қуй лаболаб ишқ майин,
Май билан кечган умр, бил, хуш ўтар, камрон ўтар.

* * *

Ёнар жоним тобакай, айт, висолингсиз — фироқларда?
Ниҳондирсан хаёл ичра, қўлим етмас йироқларда.

Шуурда гоҳ кўрингайсан—фалаклардан жаранг ёғса,
Эшиттайман кумуш кулгунг самовий қўнғироқларда.

Номинг кўнглим сири эрди, ёйилди эл аро бирдан
Саҳар чоғи томоғимдан отилган ҳирқироқларда.

Чигал, сўнгсиз хаёлимга гоҳи тунлар тароқ ургум,
Сен, айт, кимни этурсан ёд сочларингни тароқларда?

Юлдуз янглиғ қароғингнинг шуъласига чўмай бир бор,
Токай юлдуз чўмилгай бу тубсиз уммон — қароқларда?

Излаб зинҳор тополмасман, васлингга ҳеч етолмасман,
Ўтиб боргай наҳот умрим сени излаб-сўроқларда?

Ёринг васлин соғинганда қўлингга ол қалам, Мирзо,
Жамолин ёр аён этгай ҳижоларда, туроқларда.

«ЭРОН ДАФТАРИ» ТУРКУМИДАН

I

Тайргоҳ узра ажиб бир субҳи саҳар эрди,
Илинжим менинг якто — юрт сари сафар эрди.

Нигоҳим тушди, эвоҳ, бир малак сиймогаким,
У замин аҳлига осмон элидин хабар эрди.

Наҳри дайр соҳилинда турфа тош магар инсон,
Бу тошлар орасинда у мисли гуҳар эрди.

Бир нигоҳ этса ато, жисминга оққай шарар,
Ки чашми унинг юлдуз, қоши нақ қамар эрди.

Чарх уриб кездим жаҳон гирдида тинмай мудом,
Топганим ниҳоят у — умрима меҳвар эрди.

Ё раб, ул ой сеҳридин лол эдим, ҳайрон эдим,
Балки Ҳофиз куйлаган ёрдир — чун дилбар эрди.

Оҳ, субҳ рўё каби бўлди зум кўзга аён,
Байтларим — хумморидин қолган бир асар эрди.

Дил аро ишқ барқидан бўлди ҳолим зер-забар,
Умидлар айлар эрдим, андуҳлар самар эрди.

Бир замон сўз ҳам демай учди у осмон сари,
Мирзо, оҳ урма, ахир, у пари пайкар эрди.

II

Зумрад боғлар ифор ичида,
Сеҳрлайди дилни бир чирой.
Оқшом пайти сарвнинг учида
Зиёсини сочар тўлин ой.

Масъум ҳайрат — бир ажиб рўё
Юрагингни чирмар шу они;
Ўтиб борар қошингдан гўё
Чодрадаги Шероз жонони.

УМР

Мен ҳам зурёд бўлиб дунёга келдим,
Умрим илк тонгларин эслайман бот-бот.
Асл меҳр нима — англадим, билдим,
Мен сендан мингдан-минг розиман, ҳаёт!

Уфқларга термилди ўсмир нигоҳим,
Умидлар руҳимга бахш этди қанот.
Эзгу ният бўлди доим ҳамроҳим,
Мен сендан мингдан-минг розиман, ҳаёт!

Ёшлик бу — муҳаббат майини ичдим,
Сўнгсиз ҳижронларга айладим сабот.
Севгим амр этганда баридан кечдим,
Мен сендан мингдан-минг розиман, ҳаёт!

Бу қадим дунёда армонлар турфа,
Сен менга най бердинг, дилимга — баёт.
Энг теран дардларни айладинг туҳфа,
Мен сендан мингдан-минг розиман, ҳаёт!

Термилар фалакда кузнинг қуёши,
Бамисли кул босган оловли фарёд.
Не ажаб, видога эгилса бошим,
Мен сендан мингдан-минг розиман, ҳаёт!

УСТОЗ АРМОНИ

Абдулла Қаҳҳор туғилган кунинг 95 йиллиги

Устоз Абдулла Қаҳҳорни билганлар, суҳбатини олганлар яхши эслашади: бу аллома давраларда кам гапирар, гапирганда эса ҳамиша образли қилиб сўзлар, гаплари ҳазил-мутойиба, лутф, киноя-кесатиқлар, кескин истеҳзо билан йўғрилган бўларди.Унинг сўзлари ошкора донишмандлик, панднасиҳатлардан холи, бироқ ҳамиша муҳим бир фикр, ҳодисаларга янгича қараши, образлилиги билан эсда қоларди. Адибнинг турли учрашувларда, давраларда айтган айрим мулоҳазаларини, лутфларини сиз — азиз газетхонларга ҳавола қилмоқчиман.

60-йилларнинг бошлари, ёз фасли. Дўрмондаги мўъжазгина ижод уйида осойишта ҳаёт ҳукм сурар, хоналарда адиблар ижод билан банд, жумладан, Пиримқул Қодиров "Қора кўзлар" романи, Озод ака "Замон — қалб — поэзия" китоби устида ишлар, уларга ҳеч ким халал бермас, бинога яқинлашганлар секингина юрар, сўзлашганда овозини баландлатмас эдилар. Тушлик ва кечки дам олиш вақтларида эса сув бўйида, чинор остида мароқли суҳбатлар, ҳазил-мутойибалар авжига минарди. Баъзан ошхўрликлар ҳам бўлиб турар, ҳадди сиққанлар ижод уйининг шундайгина биқинидаги боғ ҳовлида истиқомат қиладиган Абдулла акани даврага таклиф этишар, табъи суйса бу одам келарди. Кунларнинг бирида шундай даврага Пиримқул Қодиров Абдулла акани таклиф қилди, устоз узр сўраб қандайдир тадбирда қатнашиши зарурлигини айтдилар. Ошхўрлик зўр ўтди, киттак отилди ҳам. Қувноқ гурунг, ҳазил-мутойибалар авжига чиққан пайтда Абдулла ака келиб қолдилар. Салом-аликдан сўнг оромкурсида ширакайф ва қувноқ ҳолда ўтирган Пиримқул акага қарата:

— Пиримқулнинг оёғи ерга тегмай қолганидан зиёфат зўр ўтганга ўхшайди, — дедилар. Даврада зўр қаҳқаҳа кўтарилди. Давра руҳига бундан ошириб баҳо бериш мумкин эмас эди. Одатда зиёфатларда кам ичадиган, балки устоз адибга илк бор ширакайф ҳолда дуч келган Пиримқул ака устоз ҳазилидан қулоғигача қизариб, ажиб бир ҳолга тушди. Абдулла аканинг беназир лутфида Пиримқул аканинг ҳозирги ҳолатига, қоларверса, бўйи-бастига нозик ишора бор эди.

Шундан сўнг танқид устида сўз кетди. Ўша кезлари танқидчиликда жавлон урган, минбарларни эгаллаб олиб бошқаларга сўз бермай узундан-узоқ тумтароқ нутқ ирод этадиган бир мунаққид ҳақида гап очиб, дедилар:

— Бу одам танқидчиликни фақат нутқ сўзлаш, оғизни очиб-ёпиш деб билади, шекилли. Мажлисларда унга разм солсам, залда гапирмай ўтирган пайтида ҳам оғзи очилиб-ёпилиб турар экан. Танқидчи айтмаса туролмайдиган, тингловчига зарур гапи бўлгандагина минбарга чиқиши керак-ку, ахир!

Сўнг танқидчининг бошқаларникига ўхшамайдиган ўз фикри, ўз сўзи, ифода тарзи бўлиши даркорлигини таъкидлаб: "Озод, мабодо китобинг эскириб бирор носфурушнинг қўлига тушиб қолса, у нос ўраб сотган варағига кўзи тушган одам қоғоздаги бирор жумлани ўқиб: "Бу Озоднинг сўзи-ку", десин ва ўша варақни авайлаб олиб қўйсин".

Ушандай давралардан яна бирида мен илк бор Абдулла Қаҳҳорнинг оғзидан Нитше, Фрейд ҳақида илиқ, Маркс ҳақида эса танқидий гапларни эшитиб ҳайратда қолган эдим. Мана у кишининг айтган мулоҳазалари:

— Кўплар ҳаёт, инсон ҳақида фақат Марксниг қарашини ҳақиқат деб билади. Нитше ва Фрейдни ўқисанг, дунёда бошқача гаплар ҳам борлигига амин бўласан! Инсон табиати, руҳияти ғоят мураккаб. Унда нафс, яна кўп биз учун қоронғи бошқа ҳақиқатлар ҳам бор. Одам боласи дунёга келиб, ҳали кўзини очмай туриб онасининг кўкрагига ёпишади, "Бер!", дейди. Маркс бўлса соқолини тўрвадай қилиб одам боласи табиати, майли билан ҳисоблашмай, ҳаммани тенглаштириб, ёппасига коммунизмга олиб бораман, деб юраверган экан...

Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди, асарларининг танқидчиликдаги баҳоси, талқини устида сўз кетганда, айниқса, "Сароб" хусусида куюниб гапирар эди. Таржимаи ҳолида у шундай ёзган:

"Аввал Ўрта Осиё давлат университетининг педагогика факултетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида ўқиганимга, таржима ишлари билан қаттиқ машғул бўлганимга қарамай, "Сароб"ни тўрт йилда ёзиб тугатдим. Китоб республика конкурсида муҳофотланди. Уни китобхон хуш қабул қилди, лекин баъзан арзон шуҳратпарастлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан-тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Бу нарса баъзи ҳолларда ҳатто фаросатли одамларни ҳам чалғитди".

— "Сароб" ёзилган, у китоб ҳолида чиққан пайтлари, — деган эди адиб суҳбатларидан яна бирида, — сочимда бирорта ҳам оқ тола йўқ эди: демагог, жоҳил танқидчиларнинг бетиним тўқмоқлари туфайли романнинг иккинчи нашрига қадар сочимда бирорта ҳам қора тола қолмади.

Кейинроқ, 1965 йили бир даврада адиб "Сароб" романи муносабати билан берилган саволга: "Танқид шу пайтга қадар "Сароб"дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарди-дунёсини, оху зорини эшитадиган бир азамат топилмади", дея жавоб қайтарган эди. Адибнинг надомат билан айтган бу гапи узоқ вақт менга тинчлик бермай, "Сароб" персонажларининг дарди-дунёсини ёритадиган бир нарса ёзишга ундаб келди. 1990 йили "Шарқ юлдузи"да эълон этилган "Ҳаёт сабоқлари" мақоласида шу хусусдаги айрим мулоҳазаларимни изҳор этишга уриндим. Бироқ 90-йиллари "Сароб" теварагида кечган танқидий баҳс-мунозаралар таъсирида "Ҳақиқат тақозоси" сарлавҳали мақолада ўша фикримдан қайтганимни айтдим. Айтарга айтдим-у лаб тишлаб қолдим. Бунинг учун биринчи бўлиб Кибриё опадан дакки эшитдим. Сал фурсат ўтмай, тушимда Абдулла акани кўрибман. Бу одам ўзига хос нимтабассум ва истеҳзо билан: "Умарали, сен ҳам "Сароб"га қарши найза кўтарганлар қаторига ўтиб қолибсан-ку!", дедилар. Бирдан уйғониб кетдим. Шундан кейин кўринг — кўнгилдаги қиёматни! Бир неча кунлар ўзимга келолмай юрдим. Ёзги таътил пайти "Сароб"га оид жамики адабиётларни жомадонга жойлаб Дўрмондаги Ёзувчилар боғига отландим. Кўп изланишлардан сўнг "Саидий жумбоғи" сарлавҳаси остидаги тадқиқотнинг режаси тайёр бўлди. Бу режа бўйича адабиётшунос Шуҳрат Ризаев билан маслаҳатлашдим. Шуҳрат ниятим билан танишгач, "Сароб" ҳақидаги гап, барибир, охир-оқибат мафкура — сиёсатга бориб тақалмасмикан, деган хавотирини айтди... Иш яна чўзилди. Ниҳоят, аср ниҳоясига келиб, иш тайёр бўлди, ҳамкасабалар даврасида у ҳақда маъруза қилдим. Мақола "Жаҳон адабиёти"да "Мафкуравий тазйиқ ва истеъдод қудрати" сарлавҳаси остида эълон этилди. Мақола теварагида баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Мазкур мақолани мен "Сароб" ҳақидаги барча қабул қилиши лозим бўлган ҳукм-хулоса деб даъво этишдан йироқман, балки уни йирик асарнинг яна бир талқини, танқидий версияси сифатида қабул қилишларини истардим...

Кишини мамнун этадиган жиҳат шундаки, озод мамлакатимизнинг янги озод авлоди маънавий қадриятларимизни, жумладан, кўпгина мураккаб адабий ҳодисалар қатори "Сароб" романини ҳам янгича идрок қилиб, ундаги одамларнинг дарди-дунёсини англаш, теран ҳис этиш йўлидан бораётирлар. Бир ёш тадқиқотчи қизимиз айни "Сароб"даги одамларнинг дарди-дунёси ифодаси, талқини устидаги тадқиқотини якунлаш арафасида. Ниҳоят, бугунга келиб устознинг армони ушалса, ажаб эмас.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор рафиқаси Кибриёхоним ва ижодкор дўстлари — Зулфия, Шуҳрат билан.

С. МАҲКАМОВ фотоси.

Умарали НОРМАТОВ

ОҚСОЙ ШАЛОЛАЛАРИ ТИНМАГАЙ

Икки оғиз дил сўзи

Мен дастлаб қўлга олган китоблардан бири "Оқсой шалолалари" эди. Мазза қилиб, қайта-қайта ўқиганман. Оқсой манзаралари, одамлари, айниқса, бош қаҳрамон Шербек жуда қадрдон бўлиб қолган. Шербекнинг суюклиси билан шалола ёнидаги учрашув манзараси — янада таъсирчан... Шербекнинг ҳаракатларига қизнинг қаршиликлари тошқин сой лабидаги тупроқ камар ҳолатини эслатарди...

Бу шундай табиий, шундай ишонарли эдики!..

У пайтлар китобнинг номига ҳам, муаллифига ҳам қизиқмасдик. Билсак, ҳам кейинчалик билардик. Мен ҳам кейин билсам, "Оқсой шалолалари" қиссасининг муаллифи Суннатилла Анорбоев экан. Кейинчалик қисса романга айланди, янада кенгайди, янада гўзаллашди, китобхон юрагидан янада чуқурроқ жой олди.

Суннатилла Анорбоев билан 1967 йили шахсан танишганман. Унда Абдулла Орипов, Низом Комилов, Раззоқ Абдурашидовларнинг тавсиялари билан Сотиболди Йўлдошев "Ёш гвардия" нашриётига ишга олган. Суннатилла ака бориб турарди. Китоби чиқаётган эди-да.

Кейинчалик "Шарқ юлдузи"да, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бирга ишладик. "Шарқ юлдузи"га мени Жомбойдан Носир Фозилов топдириб келганини айтмасам инсофдан бўлмас.

Журналда Суннатилла ака публицистика бўлимини бошқарарди. Иш оғир эди. Юзта қўлёзмадан камида тўқсонтасини қайтарар эдик-да! Суннатилла аканинг бир муаллифи бор эди. Очерк ёзарди. Лекин жуда ёмон ёзарди. Ўша одам кўп қийнарди Суннатилла акани. Ўзи, қизиқ аслида. Яхши ёзувчи яхши асарини ёмон десангиз ҳам сиз билан жанжаллашиб ўтирмайди, ақлингизга ишонтириб, ишонтириб, ишонтириб,

ИЛМНИНГ ХОСИЯТИ

XX аср композиторлик ижодиётининг йирик намояндаларидан бири Арнолд Шёнберг дарсга кечикиб келган шогирдига: "Бир кеча-кундузда неча соат мавжуд?" дея савол бера туриб, унга ўзи шундай жавоб қайтарган экан: "Бу нарса ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Бўлажак ижодкор бу муддатни тинимсиз ҳаракати туфайли 24 соатдан 26 ва ҳатто 30 соатга етказиши мумкин!"

Ҳақиқатан ҳам, айрим кишилар вақтдан унумли фойдаланиб, бир куннинг ўзида (ўзгалар бир неча кунда ҳам улгурмайдиган) кўпдан-кўп амаллар ижобатига муяссар бўладилар. Куни кеча ҳукуматимиз тақдирлаган замондошларимиз рўйхатининг биринчи қаторидан ўрин олган мусиқашунос Рустамбек Самиғ ўғли Абдуллаев, шубҳасиз, ана шундай фидойи санъат кишиларидан биридир.

Назаримда, олимнинг бугунги ютуқлари замирида отаси — ардоқли инсон ва атоқли санъаткор Самиғ Абдуллаевнинг ҳиссаси катта бўлган. Раҳматли Самиғ аканинг ҳаётлари, айниқса, иккинчи жаҳон урушида — бир қўлларида мўйқалам, иккинчисида қурол билан кўрсатган жасоратлари, ана шу уруш Қаҳрамони (1944), кейинчалик (1975) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонларига сазовор бўлганликлари ҳаммага ва аввало, уч ўғил ва бир қизларига ибратдир. Шу боис, Рустамбек ҳам 1969 йилдан консерваторияда, 1975 йилдан буён эса Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ибратли фаолият кўрсатиб келмоқда. Мусиқашунос ўз изланишларини дастлаб водий катта ашуласидан бошлади ва бу ўта мураккаб жанр илдизлари, шакланиш жараёни, ижрочилик услублари, этик ва эстетик анъаналарини ойдинлаштирди. Тадқиқот объектини лаборатория ва иш кабинетларида эмас, кўпроқ катта ашулачилар даврасида теран англади, хулосалади. Ўзим Рустамбекнинг номзодлик диссертациясига (1982) оппонентлигим ва у билан бирга қатор фолклор экспедицияларида қатнашганлигим боис, шак-шубҳасиз айтишим мумкинки, ўзбек мусиқашунослигида ҳали бирорта мерос жанри бир муаллиф томонидан бунчалик изчил ва атрофлича таҳлил этилмаган.

Р.Абдуллаевнинг докторлик диссертацияси (1997) Марказий Осиё доирасидаги муҳим илмий мавзу — минтақавий маросим мусиқаси тадқиқига йўналтирилган ва қамрови жиҳатидан ниҳоятда кенг кўламлидир. Унда ҳам диққат марказида муаллифнинг кўп сонли экспедициялари жараёнида бевосита ўзи тўплаган — турли маросимлар билан боғлиқ қадимги ва нисбатан замонавий куйлару қўшиқлар илк бор қиёсан тадқиқ этилган. Асосий илмий йўналишлар шуни аён кўрсатмоқдаки, Рустамбек барча ҳамкасбларидан фарқли равишда бутун умр биргина мавзу устида эмас, балки индуктив кенгая борган муаммолар устида изланишларни муваффаққиятли амалга оширмоқда. Сўнгги, хусусан Мустақиллик йилларида мусиқашунос замонавий ижодиёт (халқ чолғу асбоблари оркестри, мусиқа танқидчилиги, замонавий хонанда ва созандалар, композиторлар асарлари каби) муаммоларига ҳам қўл ураётганлигини ижобатга олсак, Р.Абдуллаевнинг кўп қиррали олим сифатидаги фаолияти кўз ўнгимизда гавдаланади.

Р.Абдуллаев бир нечта фан номзодларига устозлик қилди. Фолклор экспедицияларида мунтазам қатнашаётир. Айни чоғда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Ихтисослашган докторлик кенгашида ҳам фаолият олиб бормоқда. Шу маънода "Ўзбекистон санъат арбоби" фахрий унвонига ҳар жиҳатдан муносиб ижодкордир.

Буюк муҳаддис бобомиз Исмоил ал-Бухорий ҳазратларидан қолган табаррук битиклардан бирида шундай дейилади: "Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак".

Шогирдим, ҳамкасбим ва дўстим Рустамбек Самиғ ўғли Абдуллаев билан наинки фахрланаман, балки бу фоний ҳаётнинг баланд-пастликларини енгишда ундан ибрат оламан.

Қутлаймиз!

Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

ЁҒОЧНИ КУЙЛАТГАН ИНСОН

Ёднома

Санъат асли гўзалликдан туғилади. Уста Усмон Зуфаров яратган дутор, танбур, тор, ғижжак. най, ноғора, доира, сато, чанг каби созлар эса ниҳоятда гўзал ва мукаммал даражада яратилгани учун ҳам ижодкори номини мангуга муҳрлаб келяпти. Уста ясаган созлар бутун Марказий Осиё ва чет элларда ҳам машҳур.

Уста Усмон Зуфаров 1892 йили Тошкентда туғилган. Саккиз-тўққиз ёшида уни ҳалқ орасида Уста Тош номи билан машҳур бўлган соз ясовчи устага шогирдликка берадилар. Шогирд бирор нарса ўрганиш учун узоқ вақт уста назаридан синовдан ўтиши лозим эди. Шу боис, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа ўтганида уста ишини кузатиб, кўникма ҳосил қилиб борди. Кўрган нарсаларини эса уйга борганда ясай бошлади. Шу зайлда ўн йилдан ошиқ Уста Тош хонадонида хизмат қилиб, соз ясашнинг бутун сир-асрорларини ўрганди. Ниҳоят, йигирма ёшга тўлиб, ҳунар эгаллаганига ишонч ҳосил қилгач, устанинг олдига ўзи ясаган бир дуторни олиб келади. Уста Тош шунда шогирдининг созчиликни тўлиқ эгаллаганини англайди ва унга фотиҳа бериб, уста бўлганини эътироф этади.

Устоз фотиҳасини олган Усмон Зуфаров мустақил иш бошлаб, Чорсу бозорида дўкон очади. Тез орада халқ орасида миллий созларни ясовчи уста сифатида машҳур бўлиб кетади. Дўконига буюртмалар сувдек оқиб кела бошлайди. Таниқли халқ ҳофизлари Юнус Ражабий, Риски Ражабий, Тўйчи ҳофиз, Иномжон Икромовлар унинг мижозларига айланадилар.

Шўролар ҳукумати ўрнатилгач, уста Усмоннинг дўкони ҳам мусодара этилади... 1926 йилга келиб Ўзбекистон Радиоси иш бошлайди. Радио қошида мусиқий ансамбл тузиш Юнус Ражабийга топширилган эди. Ансамбл учун созлар одатдагидан кўра каттароқ ва овози ҳам тиниқроқ бўлиши талаб этиларди. Бундай чолғуларни уста Усмон кўнгилдагидек қилиб ясайди. Ўша созларнинг айримлари ҳозирги Ўзбекистон Давлат консерваторияси музейида сақланмоқда.

1937 йили Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларига тайёргарлик кўраётган махсус ансамблни созлар билан таъминлаш ҳам уста Усмон зиммасига тушади. У қисқа вақтда оиласи билан биргаликда юзга яқин чолғу асбобларини ясаб беради. Бу ишда устага укаси Абдураҳим, жияни Хусан Зокиров, қариндошлари уста Мирвали Мирзаев ҳамда уста Зайниддин Соиповлар яқиндан ёрдам беришган.

Уруш даврида ҳам уста меҳнат қилишдан тўхтамади. Шогирдлари урушга кетгач, қизи Маҳмуда отасига қарашиб юрди. Кейинчалик ўзи ҳам созлар ясай бошлади. Шу тариқа, Маҳмуда Усмон қизи аёллар орасида ягона созчи уста бўлиб етишди. 1943 йили унга соз ясовчи усталар орасида биринчи бўлиб "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони берилади. Устанинг бошқа фарзандлари ҳам чолғусозлар ясаб, ёғочга "жон ато этиш" сирларини пухта эгаллайди.

Уста учун энг оғир дамлар уруш йиллари бўлди. Унинг ўн саккиз яшар ўғли Умаржон урушдан қайтмади. Бу воқеани устанинг ота касбини эгаллаган ўғли Тўхтамурод ака шундай хотирлайди:

— Умаржон акам урушга кетганларида ҳали биринчи курсни тугатмаган эди. Урушга борган заҳоти Москва остонасидаги даҳшатли жангларда қатнашиб, ҳалок бўлган экан... Акам адабиётга, шеъриятга қаттиқ меҳр қўйган эди. Ўқиган китобларини ҳозиргача авайлаб сақлайман. Навоийнинг "Чор девон"ини ўқиб, тўхтаган бетларига қистириб қўйган қоғозлари ҳалигача жойида турибди...

Урушдан кейин устани Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга таклиф қилишади. Бу ерда соз ясаш усулларини дастгоҳларга кўчиришга доир тадқиқотлар олиб борилди. Устанинг дўкони ҳам чолғу асбобларини ишлаб чиқарувчи артелга айланади. Бироз вақт ўтгач, унинг ўрнида чинакам фабрика қурилди. Бу ерда тайёрланаётган чолғу асбоблари мебел учун ишлатиладиган бук дарахтидан ясалади. Бук эса минг йиллардан бери миллий созларимиздан таралаётган оҳангларни беришга қодир эмас.

— Соз учун ёғоч танлаш энг муҳим аҳамиятга эга, — дейди уста Тўхтамурод, — Усталар, асосан, тут дарахтидан фойдаланишади. Чунки тутда ҳеч қайси дарахтда учрамайдиган ноёб овоз бор. Ундан ясалган соз чертилганда ўзига хос сирли мусиқий оҳанг таратади. Тут ёғочи қанча кўп сақланса, унинг ози шунча тиниқлашади. Иккинчи ўринда ўрик дарахти туради. Яна ёнғоқ, нок, баъзан олма дарахтидан ҳам фойдаланамиз. Муҳими, соз ясаш учун танланган дарахт, албатта, мевали бўлиши керак. Бунинг ҳам ўзига хос сири бор.

Уста Усмон Зуфаров чолғусозликнинг ана шундай нозик жиҳатларини билгани учун ҳам оммавий чолғулар ишлаб чиқариш йўлидан бормади. Миллий, анъанавий чолғусозлик усулларини давом эттирди.

1956 йили Юнус Ражабий яна радио қошида мақом ансамблини тузишга киришади. Бу сафар уста Усмон Зуфаров Фахриддин Содиқов учун махсус чанг ясаш буюртмасини олади. Уста уч йил қаттиқ ишлаб, кутилганидан зиёда, шу вақтгача бўлмаган ажойиб бир чангни яратади. Бу чанг ижросидаги наволар ҳалигача Ўзбекистон телевидениесининг очилиш дастурида янграб келмоқда. Шунингдек, ўзбек миллий чолғусозлигида йўқолиб кетиш хавфи бўлган сатонинг ҳаётга қайтиши ҳам устанинг номи билан боғлиқ. Бу хусусда Тўхтамурод ака шундай ҳикоя қилади:

— Уйимизда бир вақтлар сато деган соз бўларди. Бу соз 1936 йили ясалганини отамиздан эшитганман. Ўша пайтда уни чаладиган созандалар йўқлиги учун уйда осиғлиқ турарди. Фақат баъзи-баъзида отамиз ўзлари чалиб турардилар. Бу ҳақда устоз санъаткор Юнус Ражабий эшитган эканлар, шекилли, бир куни Турғун Алиматовга, бориб шу созни устадан сўрагин, дебдилар. Шундан сўнг Турғун Алиматов уйимизга келиб, созни олдилар ва унда ажойиб куйлар чала бошладилар. Шундан кейин сато ясатиш учун бошқа буюртмалар ҳам кела бошлади.

Миллий, анъанавий созчилик санъатини юксак чўққиларга олиб чиққан, оилавий усталар авлодига асос солган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, уста Усмон Зуфаров 1981 йили 90 ёшида оламдан ўтди. Уста ўзидан катта мерос ва боқий ном қолдирди. Унинг қўлида сайқал топган созлар ҳалигача созандалар қўлида куйламоқда. Энг муҳими, унинг ишини фарзандлари ва шогирдлари давом эттирмоқда. Ўғиллари Тўхтамурод ва Муҳаммадсиддиқ оилалари билан биргаликда ота изидан бормоқда. Усталар авлодида Ҳусан Зокиров энг зўр рубоб ясаши билан ажралиб турса, унинг ўғли Раҳматилла Зокиров садаф безаги бўйича моҳир уста ҳисобланади. Муҳаммадсиддиқ Зуфаровнинг ўғиллари Дониёржон, Элдоржонлар созчиликда маҳорат бобида уста мақомига етиб қолган бўлсалар, Аброржон Ўзбекистон халқ ҳофизи Турғун Алиматовнинг суюкли шогирди. Асли касби адабиётшунос, айни пайтда фан номзоди бўлган Тўхтамурод Зуфаровнинг ўғиллари Мухторжон, Рустамжонлар ҳам ота ва бобо касбини қўлдан қўймай келишяпти. Уста Усмон Зуфаровнинг улуғ ишлари,издошлари, шогирдлари ҳақида ҳар қанча ёзсак оз. Устанинг ижоди ҳақида китоблар ёзилган, филмлар яратилган. Германияда чоп этилган "Халқ мусиқаси чолғу асбоблари" китобида уста Усмон Зуфаровнинг расми ҳамда у ҳақда маълумотлар бор. Унинг бетакрор санъати юзасидан номзодлик ишлари ёқланган. Уста чинакам санъат даражасига етказиб яратган созлар эса ҳозир Ўзбекистон Санъат ва Тарих музейларида, консерваторияда ҳамда бир қатор ғарб давлатлари музейларида сақланмоқда. Моҳир халқ устасининг бетакрор санъати бугун унинг ўзи ва шогирдлари яратган, музейларимизда эъзоз билан сақланаётган, кўрганларда ҳайрат уйғотаётган чолғулар тимсолида ардоқ топмоқда.

Беҳзод МАМАДИЕВ

НОГИРОН НЕГА САРСОН?

Инсон, ахлоқ, қонун

Баъзи одамларнинг қизиқ одати бор: ўзининг қорни тўқ бўлса бошқаларни ҳам тўқ, ўзи соғлом бўлса бошқаларни ҳам соғлом, деб ўйлайди. Самарқанд вилоят Тиббий меҳнат экспертизасининг айрим раҳбарлари ҳам шундайлардан экан. Бўлмаса, Чернобил ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногирон Эшимқул Саиловни шунча сарсону саргардон қилишармиди...

"1987 йилнинг 14 июнидан 15 августигача бевосита Чернобил атом станциясининг ўзида, ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этганман, — деб ёзади оқдарёлик Э.Саилов тахririятга йўллаган шикоятида. — Натижада 16,3 рентген нурланиш олганман. 1993 йилга келиб соғлигим ёмонлашди. Бир неча марта шифохоналарда даволандим. Врачлар тиббий кўрикдан ўтказиб, учинчи гуруҳ ногиронлигига чиқаришди. 1997 йилнинг августида иккинчи гуруҳ ногиронлигига ўтказдилар. Шундан сўнг тинчгина яшаб тургандим, 2001 йилнинг ноябрида бирдан нафақамни тўхтатиб қўйишди. Суриштириб билсам, вилоят Тиббий меҳнат экспертизасининг бош эксперти Ҳамид Абдусаломовнинг буйруғига асосан шундай қилишган экан".

Ҳақиқатан ҳам, Ҳ. Абдусаломовнинг 2001 йил, 23 ноябрдаги 371 сонли хатига асосан фақат Э. Саиловнинг эмас, яна бир нечта ногиронниг нафақаси тўхтатиб қўйилди.

Э. Саилов аввалига бу қарордан норози бўлди. Ахир, қайта кўрикдан ўтишнинг ўзи бўладими? У ёққа бор, бу ёққа бор, рентгенга туш, қон топшир... Лекин унинг кўнгли тўқ эди. Хаста одамни ким соппасоғ дея олади? Хуллас, у юқоридаги хатга асосан вилоят реабилитация марказида қайта текширувдан ўтди. Шунда қизиқ ҳолат юз берди. Врачлар Эшимқул акани обдон текшириб кўриб, у ногирон эмас, деган хулосага келдилар.

Нуфузли комиссиянинг хулосасига эътироз билдириш қийин. Ахир, тиббий комиссияда менман деган шифокорлар ишлашади-ку. Аммо Э. Саилов уларнинг хулосасига кўнмади. "Танаси бошқа дард билмас", деган мақол бор халқимизда. Яна кексаларимиз: "Ўзингдан ўтганини ўзинг биласан", дейди. Эшимқул Саилов ҳам ўзининг аҳволини ўзи яхши биларди. Жигари, оёғи, боши... оғирди. Яна кўз олди қоронғулашарди, қорни дамларди, қовурғалари остида ҳам қандайдир оғриқ бор эди... Хуллас, Чернобилда олинган нурланиш ўз таъсирини ўтказган, унинг аъзолари ҳали тузалиб улгурмаганди. Шунинг учун касал эканлигини, ногиронлигини исботлаш мақсадида идорама-идора, шифохонама-шифохона чопди. 2001 йилнинг 25 декабридан 2002 йилнинг 4 январигача Ўзбекистон Фанлар академияси радиология институтида ётиб кўрикдан ўтди. Лекин бу институт врачлари берган хулоса ҳам Ҳ Абдусаломовни қониқтирмади. У ўз сўзида қатъий туриб олди: Эшимқул Саиловнинг касали ногиронликка чиқаришга асос бўладиган даражада оғир эмас. Шуниси қизиққи, унинг бу қарорини айрим врачлар ҳам қўллаб-қуватлашди.

"Шундан сўнг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига шикоят ёзишга мажбур бўлдим, — дейди Эшимқул ака. — Вазирлик ходимларининг аралашуви билан мени Миллий Реабилитация марказида 13 кун яна чукур текширувдан ўтказишди. 2002 йилнинг 29 апрел куни эса вазирликнинг "Низо" тиббий меҳнат экспертиза комиссияси қайта текшириб, мени учинчи гуруҳ ногирони деб топди."

Ниҳоят хаста инсоннинг ногиронлиги тан олинди, ҳақиқат қарор топди. Аммо бу ҳақиқатнинг юзага чиқиши нега бунча қийин кечди? Нега Ҳ. Абдусаломов оёғини тираб туриб олди? Албатта, бу саволларга жавобни фақат унинг ўзи беради. Лекин бош экспертнинг айби билан Э. Саилов бир неча ой сарсону саргардон бўлиб Самарқанд билан Тошкент ўртасида бўзчининг мокисидай қатнагани, нафақа ололмай оиласи моддий қийинчиликда яшагани ҳақиқат.

Шу йилнинг 13 август куни бўлиб ўтган судда ҳақиқат қарор топди. Э Саиловнинг Ҳ.Абдусаломовга нисбатан даъвоси асосида бўлиб ўтган Самарқанд вилоят Темирйўл туманлараро фуқаролик суди ўз мажлисида томонларнинг даъво ва важларини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ФПК 203-206-моддаси, ФК 985, 989, 1021, 1022-моддалари асосида қуйидагича қарор чиқарди:

"Даъвогар Э. Саилов даъвоси қисман қаноатлантирилсин. Унга жавобгар Самарқанд вилоят Тиббий эксперт комиссияси идорасидан 113 минг сўм моддий зарар, 50 минг сўм маънавий зарар ундирилсин."

Суд тортишувга нуқта қўйди. Аммо даъвогар Э. Саилов фойдасига ундириладиган 50 минг сўм у кўрган маънавий зарарни қоплармикан? Эшимқул ака йил бошидан буён ўзининг хаста эканлигини исботлаш учун бормаган жойи, кирмаган идораси қолмади. Оқдарёда туман черноблчиларнинг бошлиғи сохта ҳужжатлар билан ўзини чернобилчи деб юрар экан, деган гап тарқалди. Бундан унинг боши эгилди. Йигит киши учун уят ўлимдан қаттиқ. Бундан ташқари, оиласи бир неча ой моддий жиҳатдан қийналиб яшади. Шунча изтиробни 50 минг сўм билан баҳолаб бўладими? У бир неча бор Оқдарёдан Самарқандга, Самарқанддан Тошкентга қатнади, шифохоналарга ётиб даволанди. Дори-дармон учун, йўл учун қанча пул сарфлади. Нахотки бу пуллар моддий зарарга кирмаса?

Яна бир эътироз. Э. Саиловнинг сарсон-саргардон бўлишига бевосита уни ногиронлик ҳуқуқидан маҳрум қилганлар сабабчи бўлса-да, моддий ва маънавий зарар нега вилоят Тиббий меҳнат эксперт комиссияси идорасидан ундирилаяпти? Агар шу маблағ айбдорларнинг чўнтагидан тўланса, улар келгусида бундай хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилган бўлардику. Э. Саилов ҳарқалай ҳақлигини, ногирон эканлигини исботлади. Лекин ундан бошқа, фақат Оқдарё туманининг ўзидан яна бир нечта ногироннинг пенсияси тўхтатилган. Уларнинг айримларида Самарқанд билан Тошкент ўртасида югуриб, касаллигини далиллашга маблағ йўқ. Шунинг учун тақдирга тан бериб индамай юришибди.

Юртимизда қарияларга, боқувчисини йўқотганларга, ижтимоий муҳофазага муҳтож одамларга, ногиронларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш йилдан йилга кучайиб бормоқда. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берувчи, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилдан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоядир. Шундай пайтда Самарқанд вилоят тиббий меҳнат экспертизасининг бош эксперти Ҳамид Абдусаломовнинг тутган йўли бизни ҳайрон қолдирди. Юқорида таъкидланганидек, Э. Саилов узоқ вақт елиб-югуришлар ҳисобига мақсадига эришди, ҳақиқатан ҳам ногирон эканлигини исботлади, лекин қолганларнинг тақдири-чи? Нахотки, инсон тақдирига шунчалик енгил-елпи қараш мумкин бўлса? Буюк немис шоири И. Гёте "Барча камчиликларидан қатъи назар, одамлар ҳар нарсадан ҳам кўра кўпроқ меҳрга лойиқдир", дейди. Шундай экан, одамлардан, айниқса, ёрдамга, шафқатга муҳтож ногиронлардан меҳримизни дариғ тутмайлик.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

Дунё — кенг...

УМРНИ УЗАЙТИРИШ СИРИ

Тарихда одамлар узоқ умр кўриш учун нималар қилишмаган. Боқий ҳаёт бахш этувчи афсонавий воситалар ҳақида тўқилган ривоятларнинг эса саноғига етиш қийин. Бироқ бу муаммо ҳануз орзулигича қолаётир.

Ўтган асрда айрим тадқиқотчилар маймуннинг жинсий безларини кўчириб ўтказиш орқали одам организмини яшартиришга уринишди. Швейцариядаги "Ла Прери" клиникаси врачлари эса бузоқ хўжайраси ёрдамида шундай мақсадга эришиш мумкин, деб ўйлашди. Хуллас, ўтказилган бундай тадқиқотлар ҳеч қандай натижа бергани йўқ.

Қизиғи шундаки, кейинги пайтларда айрим ривожланган мамлакатларда умр кўриш муддати ҳийла узайган. Бу борада ҳозир Франция етакчи. Агар ўтган аср бошларида бу мамлакатда юз ёшли кишилар сони юз нафарга ҳам етмаган бўлса, ҳозир юз ёшни қоралаганлар тўққиз мингдан ортди. Француз аёлларининг ўртача умр кўриши эса саксон икки ёшга етди. Француз геронтология маркази директори Французаза Фаретнинг эътироф этишича, французларнинг узоқ умр кўришларида барқарор ижтимоий-иқтисодий шароит, атроф-муҳитнинг мусаффолиги, медицина кўмагидан фойдаланиш имкониятлари сероблиги асосий омил бўлаётир.

Келажакда, дейди Ф.Фарет, ирсият муҳандислиги воситасида одам умрини икки бараварига узайтириш мумкин. Агар ҳозир айрим ҳолларда 120 йил умр кўрганлар учраса, келажакда бу муддатни 240 йилга етказиш мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда олимлар кексайиш жараёнини яхшилаш йўлида ҳам изланишмоқда. Улар тартибли овқатланиш, бир меъёрдаги турмуш тарзи, имконият даражасидаги жисмоний ҳаракат, чекишдан воз кечиш турли хил хасталикларнинг олдини олишини таъкидлаш билан бирга, кексайганда кўриш, эшитишнинг қийинлашиши суякларнинг мўрт бўлиб қолиши олдини олиш борасида ҳам изланишмоқда. Никоҳ, мутахассисларининг айтишича, умрни узайтиради. Уйланган киши бўйдоқдан кўра кўп яшаркан. Аёлларнинг эркакларга қараганда узоқ умр кўришлари сабаби эса ҳозиргача илмий жиҳатдан аниқланмаган. Бунда ирсият ҳал қилувчи омил бўлса керак, дейишади олимлар.

ИЗЛАГАН ТОПАДИ

Одам боласининг табиатида қусурлар билан бирга жуда кўп фазилатлар ҳам мужассам. Унинг тиниб-тинчимаслиги, изланувчанлиги, албатта, фазилатлари сирасидан. Кўҳна олам сирларидан хабардор бўлиш ниятида уюштирилаётган яна бир қидирув ҳали бошланмай туриб-оқ, шов-шувларга сабаб бўлаётир.

Бундан ўн йилча муқаддам археологлар Мисрдаги Хеопс эҳроми ичида "махфий хона" борлигининг дарагини топишган эди. Ўшанда эҳромнинг ертўлаларидан бирига видеокамерали кичкина робот туширилиб, унинг "кўрганлари" суратга олинган. Тор ер ости йўлаги охирида робот кумуш тутқич ўрнатилган мўъжазгина эшикни "топган"и маълум бўлган.

Энди нисбатан такомиллаштирилган аппарат эҳром остидаги хонада қандай кутилмаган нарсалар борлигидан хабар беради. Замонавий роботнинг имкониятлари эса олдингисидан бир неча баравар ортиқ, яъни бу аппарат девор ортидаги нарсаларни кўра олади, ёриқ жойлардан ичкарига кира олади.

17 сентябр куни мутахассислар шу аппарат ёрдамида Хеопс эҳрининг "махфий хона"сига кўз ташлашади. У ерда нималар борлиги ҳозирча сир. Ажаб эмаски, "махфий хона"да беҳисоб бойлик ҳам, афсонавий атлантларнинг кутубхонаси ҳам бўлиши мумкин.

ЎН ТЎРТИНЧИСИ — ХЕМИНГУЭЙ

Марлен Дитрихнинг дунёга машҳур актриса бўлишида хизмати кўп сингган режиссёр фон Штернбергнинг эътирофича, Марлен эркакларни ўзича тез жалб этадиган даражада офатижон бўлмаган. Бироқ унда, дейди Штернберг, бундандa ортиқ, фаришталарга хос ғаройиб жозиба бор эди.

Айни шу жозиба машҳур ёзувчиларнинг ҳам бошини "айлантирган". Венецияда актрисани кўрган немис адиби Эрих Мария Ремарк ошиқу беқарор бўлиб қолган.

Марленнинг ҳаётида Эрнест Хемингуэй алоҳида из қолдирган. Ёзувчи билан актриса Америкага йўл олган кемада танишади. Марлен 12 киши ўтирган столга таклиф этилганда, ўн учинчиси бўлиб даврага киришни хоҳламаслигини айтади. Бироқ даврадагилардан ҳеч ким бошқа столга ўтиб ўтиришни хоҳламайди. "Шунда кўз олдимда басавлат одам пайдо бўлди, — деб хотирлаган эди кейинчалик М.Дитрих. — "Марҳамат, ўтиринг, мен ўн тўртинчиси бўламан!" деди ўша келишган басавлат киши. Бу Хемингуэй эди."

Марленнинг Хемингуэйга муҳаббати шунчаки ўткинчи эҳтиросдан эмасди. Бироқ улар онда-сонда учрашишган. "Мен уни бир кўришдаёқ севиб қолдим, — деб тан олганди Марлен. - Мен билан Эрнест Хемингуэй ўртамиздаги муҳаббат соф ва бетаъма эди, бундай туйғу эса жуда камёб."

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳririят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Сафар ОЛЛОЁР
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 770. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.